

## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Бугун 22 июль куни вилоят ҳокимлиги катта мажлислар залида Фарғона вилоятидаги иқтидорли ёшларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, вилоятдаги фаол ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Вилоятимизда ёшлар аҳолининг 60% ини ташкил этади. Ёшларнинг меҳнат фаолияти, ижодий фаолиятини ташкил этиш, иқтидорини рӯёбга чиқариш учун Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташабbus доирасида аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, уларни амалга ошириш учун саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Фарғона шаҳридаги “Ёшлар инновацион маркази”, Бувайда туманидаги “Ёшлар маркази”, Риштон туманидаги “Ёш ҳунармандлар маркази” ҳамда “Меҳнат гузари”нинг очилиши сўзимизнинг далилидир.

Ёшлар куни арафасидаги “Ҳоким ва ёшлар” учрашувида эса иқтидорли, билимли ёшлар кашф этилди.

Яқиндагина Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Фаниев ташабbusи билан Мустақиллигимизнинг 28 ийлигига бағишилаб ўтказилган “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” мавзусидаги илмий-амалий конференцияда ҳам ёшлар вакиллари иштирок этиб, ҳоким маъruzасида Ватан сўзининг мазмуни, шиорнинг мазмун-моҳиятига кенг тўхталингган эди. Бунда қатнашган ёшларга тинч, осуда, фаровон яшаш ниманинг эвазига келганлиги ва ушбу барқарорликни сақлаб ёшларимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш ҳам ўз-ўзидан бўлмаслиги айтилди.

Тақдирлаш маросимида Фарғона вилояти ҳокими, Олий Мажлис сенати аъзоси Ш.Фаниев сўзга чиқиб, келажакка, катта ҳаётга қадам кўяётган, олий таълим муассасаларига киришга чоғланиб турган ёшларга ўз дил сўзларини билдириди. Ташабbusкор бўлиш, доим олдинга интилиш, мақсад сари бориш кераклиги уқтирилди. Ўз сўзи якунида ёшлар вакилларини тақдирлаш ҳақида вилоят ҳокими фармойишини ўқиб эшиттириди.

Фармойиш билан ўз билими, иқтидори билан фаоллик кўрсатиб келаётган бир гуруҳ ташабbusкор ёшлар вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар. 16 та компютер, 10 та замонавий планшет мукофот тариқасида берилди.

Шунингдек, Фарғона вилоятида ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини оширишдаги ташабbusкорлиги ва ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташабbus ижроси ҳамда ёшлар бандлигини таъминлашда “Фарғона вилояти тажрибаси”ни намунали ташкил этганлиги учун Фарғона вилояти ҳокими Ш.М.Фаниев ҳам Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий кенгаши раиси Қ.Қуронбоевнинг ташаккурномаси билан тақдирланди.

Тадбирда ўз миннатдорчиликларини ҳамда янги ғоя ва таклифларини билдириш учун Учкўприк тумани Ёшлар Иттифоқи бўлими сардори Асилбек Обидов, Тошлоқ туманидан 11-синф ўқувчиси Хуснора Иброҳимова, Риштон туманидан ёшлар фаоли, ФарДУ талабаси Зулхумор Маҳмуджоновалар сўзга чиқдилар.

Тадбир сўнгидага вилоят ҳокими 5 муҳим ташабbus доирасида янги ғоялар, ташабbusлар бўйича Ёшлар мурожаатномасини қабул қилиб, шу бўйича ўз ташабbusкорлиги, инновацион ғоялари, амалдаги ҳаракатлари билан фаол қатнашган 5 нафар ёшлар вакилларига Фарғона шаҳрида янги очилаётган Жанубий Корея республикасининг Халқаро Сеожеонг университети филиалида бепул ўқиб таълим олиш учун йўлланма берилишини эълон қилди. Танлов 25 августда якунланади. 5 та бепул ўқишига йўлланма, амалиёт учун Кореяга сафар иқтидорли ёшларни кутмоқда.

---

2019-07-22 20:50:36